

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚИДА ТАФТИШ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Бозорбоев Жавлон Хайрулла ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси
“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси*

Аннотация: *ушбу мақолада тафтишнинг процессуал жиҳатлари, тафтиш ўтказувчиларнинг ваколатлари, тафтиш ўтказилаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жараёнда процессуал нормаларга риоя этилиши, тафтиш ўтказилишини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *тафтиш, тафтишнинг ҳуқуқий асослари, мутахассис жалб қилиш, далил*

Аннотация: *в данной статье исследуются такие вопросы, как процессуальные аспекты досмотра, полномочия проводников досмотра, права и обязанности субъектов, проходящих досмотр, соблюдение процессуальных норм в процессе, использование современных технологий при проведении досмотра, совершенствование норм, регулирующих проведение досмотра.*

Ключевые слова: *проверка, правовые основы проверки, уголовно-процессуальные аспекты, виды проверки, лица, проводящие проверку, права субъектов проверки*

Annotation: *This article examines such issues as the procedural aspects of the inspection, the powers of the inspection conductors, the rights and obligations of the subjects undergoing the inspection, compliance with procedural norms in the process, the use of modern technologies during the inspection, improvement of the norms governing the inspection.*

Keywords: *revision, legal basis of revision, criminal procedural aspects, types of revision, persons conducting revision, rights of subjects of revision*

Бугунги кунда содир этилаётган жиноятлар орасида иктисодий жиноятлар ўрни ортиб бораётганлиги ва улар орасида хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахслари ўртасида мураккаб ва фош этилиши махсус билимларни талаб этувчи жиноятлар содир этилиши ҳоллари кўшлаб учрамоқда. Жиноят ишини тергов қилиш даврида тафтиш бирор корхона, муассаса, ташкилотнинг муайян давр оралиғидаги молия-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларини ўрганиш мақсадида амалга оширилади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, тафтиш деганда бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва бошқа юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, шунингдек корхона, компания, ташкилот, муассасалар молия-

хўжалик фаолиятини, мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини, ҳужжатлар, бюджет муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши; бухгалтерия ёзувларининг тўғри юритилишини текшириш тушунилади³².

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказиш билан боғлиқ процессуал нормалар номукамал ва такомиллаштиришга муҳтож ҳисобланади.

Жиноятларни тергов қилишда мутахассиснинг хизматидан фойдаланишнинг асосий муаммоси унинг етарли равишда процессуал тартибга солинмаганлигидир. Аввало ЖПКда терговчининг мутахассисни жалб қилиш ваколати ва унинг процессуал шаклини тартибга солиш зарур. Зеро, ЖПКда терговчининг мутахассис жалб қилиш ваколати кўзда тутилмаган. Шу билан бирга мутахассисни жалб қилиш айнан қандай процессуал шаклга эга бўлиши белгиланмаган. Масалан, ЖПКда экспертиза тайинлашнинг процессуал асоси ва унга қўйилган талаблар аниқ белгиланган, бироқ мутахассисни жалб қилишни шакли терговчи ихтиёрига қолдирилган. Айнан мазкур ҳолат гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади. Чунки гумон қилинувчи ва айбланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари ЖПКнинг 179-моддаси билан тартибга солинган, бироқ мутахассис текширувини тайинлаш ва ўтказишда унинг ҳуқуқлари белгиланмаган. Ҳаттоки, гумон қилинувчи ва айбланувчининг мутахассис хулосаси билан танишишга бўлган ҳуқуқлари ҳам белгиланмаган.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, бизнинг илмий процессуал ёндашувимизга кўра, ЎзР ЖПК 187²-моддасига тегишли кўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали тафтиш тайинлашдан олдин ва тафтишнинг дастлабки босқичларида далилларни таъминлаш, ўзаро тил бириктирган ҳолда ёхуд бошқа бир кўринишда коррупцион ҳолатларни юзага келтиришнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш бўйича ваколатлар берилиши ва мажбуриятларнинг юклатилиши махсус тартибга солувчи норматив актга зарурат пайдо этади деган фикрдамиз. Бизда мавжуд бўлган ушбу ёндашувга сабаб бўлган илмий-амалий фаразлар мазмуни шуни назарда тутадикки, ҳар қандай процессуал ваколатни амалга оширилиши ёки мажбуриятларнинг бажарилиши жараёни аниқ ва батафсил ҳеч қандай шубҳа ва бахсларга ўрин қолдирмайдиган даражада қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилиши процессуал нормаларнинг мукамал амал қилишининг асосий гаровидир.

³² <http://ensiklopediya.uz/>

Юқоридаги мулоҳазаларга қўшимча равишда яна бир кичик аммо жуда мухим ҳолатга алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик. ЎЗР ЖПК 187⁵-моддасида тафтиш ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра “Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганиш солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги қонунчиликка ва бошқа қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади”. Мазкур қоидада замон талабларидан келиб чиққан ҳолда “аудит, банк ва интеллектуал мулкка оид қонунчиликда ҳам назарда тутилиши керак” деган фикрни олиб борган тадқиқотларимиз яққол ифодалаб турибди. Биз томондан илгари сурилаётган, долзарб масала сифатида юзага чиқаётган ушбу жихатларда тафтиш ўтказиш қўлланиладиган жиноятлар тури ва характери жихатдан аксар ҳолларда аудит ёхуд қайта аудит ўтказиш зарурати пайдо бўлади ёки ўзига нисбатан тафтиш ўтказилаётган субъектнинг банк операциялари (валюта қонунчилиги қамраб ололмаган операциялари ҳам) ёки интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ фаолияти давомида жиноятлар содир этиши ёки жиноий даромадларни легаллаштиришга қаратилган ҳаракатлар субъектлар томонидан содир этилиши ҳолатлари инобатга олинishi лозим. Амалиётда тафтиш тайинлаш билан боғлиқ кўпгина ҳолатларда, тадбиркорлик ниқоби остида жиноят содир этган шахсларнинг фақат ўзигагина, яъни, шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатилаётгани, уларни маълум бир тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан деб кўзғатмаслик ҳолатлари учраб турибди. Бу эса, ЖПКнинг 187¹-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят ишида мавжуд маълумотларни текшириш ва далил сифатида қайд этиш учун зарур бўлган тафтиш тайинлашга тўсқинлик қилмоқда. Бу каби ҳолатларда тадбиркорлик субъекти мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзғатилганда ЖПКнинг 331-моддаси талаби, яъни тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят ишини кўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилиши тўғрисидаги қонун талабини эсдан чиқармаслик даркор.

Бундан ташқари, иккита хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги амалга оширилган молиявий операцияда аниқланган қонун бузилиши ҳолатида жиноят аломатлари мавжуд бўлганда ҳар иккала субъектга нисбатан жиноят иши кўзғатиш ўрнига фақат биттасига нисбатан жиноят иши кўзғатиб, кейинчалик иккинчи субъектни текшириш ишларини амалга ошириш ҳолатини қонунан маҳрум қилиб қўймоқда. Иккинчи тадбиркорлик субъектига нисбатан айнан шу ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилиши

натижасида бир ҳолат иккита жиноят сифатида қайд этилиб, бу ҳисоботларда сунъий равишда жиноятлар ошишига сабаб бўлиб қолаётганлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Шу билан бир қаторда, ЎзР ЖПК 187⁸-моддаси тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг мазмунига доир талабларни илгари суради ва ҳозирча тафтиш ўтказиш жараёнида қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишдан сўнг тафтиш объекти мансабдор шахслари томонидан бажарилган ишлар бўйича маълумотларнинг акс этирилиши лозимлиги тўғрисидаги талаб мавжуд эмас ва бундай талабнинг мавжуд эмаслиги жиноят содир этишда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахсларнинг тергов билан ҳамкорлик қилиши масалаларини очик қолдирган. Фикримизча, ушбу моддада аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга оид барча олиб борилган тадбирлар бўйича маълумотларни тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада келтириш шартлиги ҳақида махсус қонуннинг киритилиши тафтиш билан боғлиқ норматив қонунчиликнинг янада мукамал бўлишига хизмат қилади.

Тафтиш жиноят процессининг жиноятни фош этиш юзасидан олиб бориладиган процессуал ҳаракатларнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда тафтиш билан боғлиқ нормалар нисбатан яқинда Жиноят процессуал кодексига киритилган бўлиб ҳамон ушбу процессуал нормалар такомиллаштирилиши талаб этилади. Тафтиш ўтказиш билан боғлиқ ўзига хос жихатлардан яна бири бу жараёнда юқори технологиялардан фойдаланиш ҳамда жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан



такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>.

4. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. -Б.101.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ4850-сонли «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда

6. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2018, -63б.

7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»